



## ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҚАРОРИ

### “Дон қайта ишлаш маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, дон қайта ишлаш маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги **қарор қилади:**

1. “Дон қайта ишлаш маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентга (кейинги ўринларда техник регламент деб аталади) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2021 йил 1 апрелдан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ, техник регламентга киритилган ўзгаришлар амалга киритилиши муносабати билан унда кўрсатилган маҳсулотни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг ихтиёрийлик тусига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси (Ходжикариев), Стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси (Хуснуллин), Стандартлар институти (Хамдамов), Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (Аманов), “UzTest” ДУК (Мустафаев) манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда:**

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усуллариини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда “Ўзстандарт” агентлигининг 2018 йил 1 мартдаги ТР-01-2018 сонли қарорига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

4. “Ўзстандарт” агентлиги (Ходжикариев, Расулов), Департамент (Аманов) “Ўздонмаҳсулот” АЖ билан биргаликда тасдиқланган техник регламентга киритилган ўзгартиришларнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш бош директорнинг биринчи ўринбосари Д. Каттаходжаев зиммасига юклатилсин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон қарори ва “Ўздонмаҳсулот” АКнинг 2021 йил 28 январ 8-5/13-143 – сон хати.

Бош директор



Д. Саттаров

Тошкент ш.,  
«29» январь 2021 йил  
ТР -21 - сон